
Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси огоҳлантиради: жамоат жойларида ниқобсиз юрманг!

Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси 17 октябрдан бошлаб вилоятда ниқобсиз юрган фуқаролар фотовидеофиксация орқали аниқланиб жаримага тортилиши ҳақида [огоҳлантирмоқда](#).

“Карантин тартибини таъминлаш учун вилоят ИИБ томонидан янгича ёндашув ва чора-тадбирларни белгилашни тақозо қилди.

Айни мақсадда, замонавий инновациялардан фойдаланиб, Республикамизда биринчи марта жамоат жойларида карантин қоидаларига амал қилмай, ниқобсиз ҳаракатланган фуқароларни **фотовидеофиксациялари орқали аниқлаш** амалиёти йўлга қўйилмоқда.

Фото суратга олинган ниқобсиз фуқаронинг шахси махсус база орқали аниқланиб, ички ишлар органлари ва давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази ходимлари томонидан **маъмурий баённома расмийлаштирилади**.

Ушбу баённома эса, фуқаронинг яшаш хонадонига почта орқали юборилади. Ушбу тартиб Фарғона вилоятида жорий йилнинг **17 октябридан** амалиётга жорий этилади”, дейилади вилоят ИИБ огоҳлантиришида.

Қадрли фуқаролар, азиз тумандошлар! Карантин қоидаларига амал қилиб, ўзингиз ва яқинларингиз саломатлигини асранг
2020-10-15 18:31:17